НОВЕРБАЛ АЛОҚАНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Б.Р.Аҳмедов

Мақолада нутқни кузатиб борувчи, унинг таъсирчанлигини таъминловчи ва миллий прагматик кўламини кенгайтирувчи паралингвистик воситаларнинг лингвомаданий хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: *антропоцентрик парадигма, лингвокультурология, лингвоўлкашунослик, паралингвистик восита, экстралингвистик восита, парафонетик восита, миллий характер, коммуникация, коммуникант, кинетик белги.*

В статье рассматриваются лингвокультурные особенности паралингвистических средств, сопровождающих речь и тем самым расширяющих её прагматический потенциал, а также усиливающих ее воздействие на адресат.

Ключевые слова: *антропоцентрическая парадигма, лингвокультурология, лингвострановедение, паралингвистическое, экстралингвистическое и парафонетическое средства, национальный характер, коммуникация, коммуникант, кинетический знак.*

This article deals with the linguio and cultural features of paralinguistic means accompanying and expanding pragmalinguistic potential and the aesthics of speech.

Key words: *anthropocentrical paradigm, linguoculturology, linguo country studies, paralinguistic, extralinguistic, paraphonetical means, national character, communication, communicant, kinetico sign.*

Бугунги кунда тилшунослик илми жадал суръатлар билан ривожланиб, фан олдига турли муаммоларни қўймоқда. Ана шундай муаммолардан бири тил тизимини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида тадқиқ этишдир. Тилни ўрганишга антропоцентрик ёндашув тилнинг маданият билан, тафаккур билан муносабатдорлигини ёритиш вазифасини қўяди ва тилнинг инсон-олам қурилмаси асосида тадқиқ этиш йўналишларини ўз ичига олади [6.5]. Антропоцентрик ёндашув унсурларининг бир қанча қирралари парадигматик муносабатда юзага чиқади. Унда, айниқса, инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур сифатида намоён бўлади.

Антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишлари лингвокультурология ва лингвоўлкашуносликдир. Ушбу йўналишнинг таркибий қисми

эса паралингвистикадир [3.213]. Паралингвистика нутқ алоқасини тўлдириб, изоҳлаб келувчи, ахборот узатиш ва фикр ифодалашда ёрдамчи восита, экстралингвистик воситаларни ўрганувчи тилшунослик соҳасидир.

Кишилик жамияти таркиб топгандан буён тил билан бирга шаклланган ва уни тўлдириб келаётган новербал воситалар турли нуқтаи назардан қатор фанларнинг ўрганиш объекти бўлиб келди. Этнографлар новербал воситаларни халқ, элат, миллатнинг ўзлигини кўрсатувчи урф-одатлари, адаб шакллари, миллий ишоралар деб ўрганган бўлсалар, тарихчилар кишилар қўллайдиган одатий ишора ёки удумларни халқ тарихи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этадилар. Психологлар учун новербал воситалар алоқа-аралашув жараёни деб қаралади ва диалогик нутқ иштирокчилари муомаласида ишлатилувчи экстралингвистик асослар сўзлашувчиларнинг психологик муносабатлари асосида текширилади деб қарайдилар [5.9].

Инсон фикр ифодалашда тилдан фойдаланар экан, маълум ахборотни тингловчига етказиш жараёнида тилга ёндош бўлган ёрдамчи (новербал) воситалардан фойдаланади [3.213]. Паралингвистик воситалар ҳар бир кишилик жамиятида коммуникацияда табиий равишда нутқни кузатиб борувчи ва тўлдириб келувчи иккиламчи восита бўлган. Одатда, паралингвистик воситаларга овоз тонидаги маълум ўзгаришлар, кинетик ҳаракатнинг барча турлари ҳамда сўзловчининг гавда ҳолатлари киради. Шунингдек, новербал тилга сўзловчининг ички эмоционал ҳолати ҳақида хабар берувчи нокоммуникатив хатти-ҳаракатларни ҳам киритиш лозим.

Паралингвистиканинг маданият, этнография, этика, антропология, дин, урф-одат ва бошқа соҳалар билан узвий боғлиқлиги ҳар бир тилда ўзига хос ифодасини топади. Миллий характердаги новербал воситалар маълум халқ, миллат ёки элатлар алоқа-аралашувида ишлатилувчи ишоралар саналиб, ишлатилиш кўлами чегараланган билан характерланади. Бундай новербал воситалар миллий хусусиятларни ўзида гавдалантиради, урф-одатлар, ритуал ва адаб хатти-ҳаракатлари билан алоқадор бўлади. Ижтимоий характер касб этиб, ҳар бир миллатда муайян урф-одатлар, лингвомаданий хислатлар асосида ҳар хилликни юзага келтиради. Шунинг учун ҳар қандай тилда мавжуд бўлган новербал воситаларни лингвомаданий жиҳатдан яхлитликда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Қуйида коммуникацияда фаол қўлланувчи айрим ана шундай новербал воситалар ҳақида фикр юритамиз.

Тасдиқ ва инкорни билдирувчи имо-ишора ва мимикаларнинг рамзий белгилари Европа ва шарқ тилларида мос келмайди. Ҳатто славян халқлари ичида ҳам рус ва болгарлар буни турлича ифодалайдилар. Дунёнинг аксар миллатларида «бошни тепадан пастга силкитиш» бирор фикрни маъқуллаш, тасдиқлаш ёки *«ҳа»* деб жавоб бериш ҳисобланади. «Бошнинг горизонтал ҳаракати» эса инкорни ёки «йўқ» маъносини ифодалайди. Ўзбек миллати ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ Ўрта ер денгизи атрофидаги баъзи ерларда – Афина грекларида, Жанубий Италиянинг айрим ҳудудларида, неопалитанлар ва калабрийлар орасида «бошнинг олдинга ва пастга ҳаракати» (олдинга-орқага) тасдиқ маъносини, бошнинг ушбу ҳаракатга қарама-қарши томонга силкиш (орқага-олдинга) инкорни ифодалайди [3.224]. Инкор болгарларда ҳам каллани орқага ташлаш билан, овимбундликларда кўрсаткич бармоқларни очган ҳолда қўлларини юзи атрофида тебратиш билан, малайск негритосларида кўзларни пастга қаратиш (юмиш) билан ифодаланади. Ўзбекларда елканинг бош томонга кўтарилиши ва бош билан елка орасидаги бурчакнинг қисқариши ҳам инкор ва таажжуб маъноларини ифодалайди. Масалан,— *Бўлмаса-чи, — деди тунқотар елкасини қисиб, — мен ҳозир арз қилай. Раҳмат сизга (А.Қодирий).* Бундай кинетик белгилар рус ва кўпгина Оврупа халқларида таажжуб ва шубҳа маъноларини ифодалайди [3.225]. Мағриблик араблар қатъий инкор ифодалаш учун ўнг қўлларининг бош бармоғини тишлаб, сўнг қўлларини зудлик билан олдинга қараб йўналтирадилар.

Жаҳоннинг турли халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларга кенг йўл очилган ҳозирги пайтда юқорида кўрсатилган факторларни жиддий ўрганиш эҳтиёжи яна ҳам ортмоқда. Айниқса, адабий алоқалар жараёнида бир тилдан иккинчи тилга маълум бир бадиий асарни таржима қилишда ҳам таржимон фақат шу халқ тилини билиш билан кифояланиб қолмай, балки уларнинг ўзларига хос бўлган муомала маданияти, имо-ишораларидан ҳам хабардор бўлиши керак бўлади. Ишоралар ва уларнинг вербал семантикасини билгандагина таржимон таржима қилинаётган тилнинг ишоралар фондидан муқобил ишорани топиб ишлатиши мумкин. Масалан, *Хат ёзиб тур, - деди дадам. Бош ирғаб кўчага чиқдим (Ў.Умарбеков).* Юқоридаги матнда *«бош ирғаб»* конструкцияси ўзбек халқи орасида тарқалган розилик, тасдиқ [3.223] маъносини ифодаловчи имо-ишорани акс эттиради. Агар у болгар тилига сўзма-сўз таржима қилинса, таржимада бутунлай тескари маънони – хат ёзмаслик маъносини ифодалайди. Чунки

болгарларда юқоридаги имо-ишора инкор маъносини билдиради. Таржимада уни болгарларда ҳам худди шундай маънони билдирувчи имо-ишорага алмаштиришга тўғри келади. Демак, новербал воситалар системасини тадқиқ этиш таржима санъатидаги айрим кемтик жойларни тўлдирар экан.

Америкаликларда мулоқот жараёнида ҳар қандай ҳолатда ҳам табассум қилиб туриш ўзига хос қонуниятдир. Бу ҳолат улардаги «keep smiling» – «табассумингизни сақланг» иборасида ҳам акс этади. Японлар эса ҳатто ёмон хабарни ҳам табассум билан етказади [4.359]. Бундай ҳолат-*(ёмон хабарни ҳам табассум билан етказиш)* бошқа миллатлар маданиятида, хусусан, ўзбек ва русларда ҳурматсизлик ёки аҳмоқликка йўйилади.

Жанубий Америка аҳолиси мулоқот пайтида қўл ҳаракатларидан жуда кенг фойдаланади. Улар учун бу фикрни суҳбатдошига етказиб беришда қўшимча восита ҳисобланади. Аксинча, Шимолий Европада яшовчи халқлар учун эса суҳбат давомида қўлларни кўп ҳаракатлантирмаслик хос. Японларда мулоқот асносида қўлларни кўп ҳаракатлантириш ҳақиқатни яшириш ёки ёлғон гапиришга уриниш ҳисобланади ва бундай хатти-ҳаракатлар одобсизлик саналади. Ўзбекларда ҳам мулоқот давомида қўл ҳаракатларидан унумли фойдаланилади, бироқ қўлни бигиз қилиш, пахса қилиш *(- Айб ўзингизда! – деди қўлини бигиз қилиб (А.Қаҳҳор))* каби ҳаракатлар суҳбатдошига нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланиб, дўқ, қўрқитиш маъноларини ифодалайди. Кўрсаткич бармоқни бигиз қилиш барча миллат ва мамлакатларда салбий реакцияни келтириб чиқаради.

Ўзбеклар бармоғи билан «бир, икки, уч...» деб санаганларида ўнг қўли ёрдамида чап қўл бармоқларини (бош бармоқдан бошлаб) бирма-бир букадилар. Бир қанча Европа мамлакатларида эса худди шундай ҳолатда мушт қилиб букилган бармоқлар бирма-бир ёзилади, аммо иккинчи қўл ишга солинмайди. Шуниси қизиққи, руслар саноқни чимчалоқдан, европаликлар эса бош бармоқдан бошлайдилар. Руслар ўз нутқини маънодор қилиш учун фақат битта қўл билан (чап ёки ўнг) ишора қилсалар, европаликлар икки қўлларини баравар ҳаракатга келтирадилар.

Қўлини мушт қилиб бош бармоғини кўтариш Британия, Австралия ва Янги Зеландия мамлакатларида машина тўхтатишда ҳамда *«ҳаммаси жойида»* маъноларини ифодалашда фойдаланилади. Грецияда бу белги *«э боре, тошингни тер»* маъносини англатади [1.9]. Германияда бу белги орқали яна битта ичимлик буюртма берилади [7.110]. Ўзбекларда у *«яхши»,«зўр», «дуруст»* [5.62] маъноларини ифодалайди. Масалан:

- Тўлаганхўжа деган ўғли бор эмиш...

- Во! – Сартарош машина бандига тиқилган бош бармоғини диккайтириб кўрсатди. – Меравой бола. (Ў.Хошимов)

Бош ва кўрсаткич бармоқларининг учини бир-бирига бирлаштириш (О кей) белгиси барча инглиз тилида гаплашувчи халқларда *«ҳаммаси жойида»* маъносини, Францияда ноль ёки *«ҳеч нарса»*, Японияда *«пул»,* айрим Ўрта ер денгизи халқларида эркак кишига нисбатан *«ҳақорат»* маъноларида ишлатилади [1.9]. Ўзбеклар мулоқотида бу кинетик белгидан деярли фойдаланилмайди.

Европаликлар ўзи ҳақида гапира туриб қўлини кўксига қаратади, японлар эса ушбу ҳолатда қўлини бурнига қаратади. Италияликларда кўрсаткич бармоғи билан бурнига аста уриб қўйиш – *«эҳтиёт бўлинг, олдинда ҳавф бор»* деган ахборотни ифодаласа, инглизларда – сирлилик, яширинликни ифодалайди. Бу белги Голландия ва Австрияда *«тошингни тер»* деган маънони билдиради. Баъзи ҳолларда қўл билан бурунни беркитиш қўрқув ва ишонқирамасликни ифодалайди. Ўзбекларда бармоқ билан буруннинг учига тегиш вазиятдан келиб чиқиб, *«эҳтиёт бўлинг», «сирлилик», «жимлик»* маъноларида қўлланиши мумкин.

Қўл бериб кўришиш ҳам турли миллат ва маданиятларда турлича амалга оширилади. Шимолий Европа аҳолиси қўл бериб кўришганда бир-бирларининг қўлларини жуда қисқа муддат қисишади ва дарҳол қўйиб юборишади. Жанубий Европа, Марказий ва Жанубий Америкада эса узоқ муддат қўл сиқишиш одатий ҳолдир. Ҳаттоки қўл бериб кўришиш асносида чап қўл билан суҳбатдошнинг қўлини ёки билагини ушлаш ҳам кўп учрайди. Африка давлатларида, одатда, қўл учида енгил кўришилади [7.105]. Ўзбекларда қўл бериб кўришиш қисқа бўлади. Лекин қатъий ва ғайратли қўл сиқиш енгил ва юмшоқ қўл сиқишдан афзал ҳисобланади. Алоҳида ҳурмат белгиси сифатида икки қўл билан кўришилади. Масалан: *— Дасташа гир, — деди Раҳим. Шариф билан Қобилға икки қўлини чўзиб, улар иккиси ҳам илжайган кўйи қўлларини бердилар (А.Қодирий).* Икки қўллаб кўришиш Шимолий Америка мамлакатларида аггрессия ва устунлик белгисидир. Яна бир маданиятимизга хос жиҳат шуки, ёши ёки мавқеи юқорироқ шахс кўришиш учун қўл узатмаса, бошқа тараф қўл узатмайди. Худди шундай ҳолат шарқ халқларида аёллар билан кўришишда ҳам ўзига хослик касб этиб, аёллар қўл узатмаса, сўрашилмайди.

Ғарб давлатларида суҳбатдош билан вақтивақти билан «кўз уриштириб туриш» жуда муҳим

ҳисобланади. Чунки шу орқали инсон суҳбатдошининг ўзига муносабатини илғаб туради. Ўрта шарқ ёки араб ўлкаларида бир жинс вакилларининг бир-бирига қаттиқ тикилиб туриши улар ўртасидаги ишончни намоён қилади. Худди шу мамлакатларда бундай қарашнинг қарама-қарши жинс вакиллари ўртасида рўй бериши одобсизлик ва ҳаттоки ҳақорат ҳисобланади. Африка ва Лотин Америкасида яшовчи миллатлар учун бировга қаттиқ тикилиш, уни курашга чорлаш ҳисобланади. Япон миллати вакиллари иложи борича бир-бирларининг кўзларига тик қарамасликка ҳаракат қилишади. Агар зарурат юзасидан қарашса ҳам, одатда, бундай қараш жуда қисқа бўлади [7.104]. Ўзбекларда эса инсоннинг кўзига тик қараш ёки унга узоқ тикилиш одобсизлик саналади. Кўзини олайтириб, лўқ қилиб қараш (*Сўфи улар уйга кириб олгунча эшик олдида бўзариб-гезариб турди (Чўлпон))* «ғазаб», «нафрат» маъноларини ифодалайди. Хуллас, инсон тана аъзолари ҳаракатлари орқали ифодаланувчи маъноларни ўрганиш таржимашунослик, гендер таҳлил, лингвомаданий тадқиқ каби соҳаларда тўғри хулоса чиқаришга олиб келади.

Фикр ифодалашдаги умумий фонацион воситаларга маълум халқ вакилларининг ўзига хос талаффузи учун характерли хусусиятлар киради. Ислом дини ўз таъсирини ўтказган Ўрта Осиё халқлари аёлларидаги тобелик, андиша уларнинг ўз фикрини паст овозда ифодалашини одатга айлантирган. Натижада уларнинг нутқларида тобелик, мутелик ифодаловчи овоз оҳанги ҳукмрон бўлган [5.47]. Масалан: - *Ёшлик қилибсиз, айланай. Билмабсиз. У ашулачи қизнинг довруғи дунёни босди... Ҳамманинг оғзида ўша (Чўлпон).*

Овознинг сифати билан боғлиқ парафонетик воситалар ғарб ва шарқ тилларида жуда катта фарқ қилади. Бу фарқни рус, япон ва бошқа тилларда ҳам кузатиш мумкин. Овоз тони, интонация, тўхтам, товушнинг чўзиқ-қисқалиги каби фонетик концепт системаси универсалия бўлишдан ташқари индивидуаллик ҳам касб этиб, нутқ прагматикасини кенгайтиради.

Паралингвистик воситаларнинг турли нутқ услубларида қўлланиши ҳам турличадир. Улар бадиий адабиётда кўп учрайди ва бу таржимондан катта маҳорат талаб қилади. Чунки паралингвистик воситалар, аввало, миллий руҳ ва урф-одатлар билан боғланади ҳамда унда нутқ одоби ва маданият белгилари ҳам ўз ифодасини топади. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида паралингвистик воситаларни қиёслаш натижасида уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш доим ҳам мумкин эмаслиги аниқланган. Айниқса, драматургияда, инсоннинг хатти-ҳаракати, имо-ишораси, мимикаси ва овознинг турли ўзгаришлари катта аҳамиятга эгадир. Таржимада уларни тўғри бера олиш учун ҳар икки халқнинг тили, миллий одатлари ва маданиятини чуқур ўрганиш зарур. Имо-ишоралар фикр ифодалашда нутқ учун ёрдамчи восита бўлиш билан бирга маълум бир халқ ўзига хос менталитетининг ёрқин ифодасидир. Шу жиҳатдан ҳам паралингвистик воситаларни ўрганишда лингвокультурологик ёндашув долзарблик касб этади. Коммуникантлар маълум тилни тўла билган бўлсалар-да, миллий маданиятларидан, урф-одатларидан, миллий шаклланган ҳолатлардан бехабар бўлсалар, улар бир-бирларини тўлиқ тушуниб етолмайдилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ имо-ишора бирликларини алоҳида-алоҳида ўрганиш халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланишига катта ёрдам беради ва шахсларда паралингвистик маданиятнинг шаклланишида аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Аллан Пиз. Гавда ҳаракатлари тили. – Наманган, 2005. - 157 б.
2. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 1-жилд. –Т.: Академнашр, 2012.- 319 б.
3. Сабитова З.К. Лингвокультурология. –М.: Флинта, 2013. - 524 с.
4. Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. –Т.: Фан, 2008.- 83 б.
5. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Турон замин зиё, 2015.
6. Юнусов Қ., Саттибаев И. Танамиз тилга кирганда. –Т.: Истиқлол нури, 2016.-151 б.

Андижон давлат университети,
2018 йил 15 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)